

Таъзия



23:05 / 24.06.2023 1777

«Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти ҳамда Ислом.уз портали жамоаси юртимизнинг дин хизмати фахрийларидан бири, устоз Абдуллоҳ ҳожи Исмоиловнинг завжаи мутоҳҳаралари, қадрдон биродаримиз Абдумалик Исмоиловнинг волидаи муҳтарамаларининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Аллоҳ таоло онахонимизнинг барча хайрли, солиҳ амалларини садақаи жория ўлароқ ҳусни қабул айлаб, ўзларига ҳамроҳ қилсин, чеккан дардларини барча саҳву хатоларига каффорат бўлишини насиб қилсин, тавбаларини қабул қилсин, Ўзининг раҳматига, мағфиратига буркасин, савол-жавобларини осон қилиб, ҳақларига қилинадиган барча дуоларни ижобат айлаб, охиратларини обод қилсин, жойларини жаннатлардан айласин.

Мусибатзада аҳли оилалари, фарзандларига, қавм-қариндошларига Аллоҳ таолодан сабру жамил сўраймиз, Роббимизнинг қазои қадарини иймон билан, розилик билан, сабр билан қарши олганларнинг мақому даражотларини тилаймиз.